

Oila va jamiyat

№ 26 (1429)
3-IYUL
2019-yil


Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqa boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot

KIM BO'LSAM EKAN?

yoxud farzandingiz o'z xohishi bilan kasb tanlayaptimi?



Shifokor bo'lasan

Huquqshunos bo'lasan

УШБУ СОҶДА:

TOSHDAN OG'IR
ZARBALAR BOR 7



O'GAYLIKDAN
CHARCHADIM...



«SURATGA OLISH
MAYDONCHASINI TARK ETDIM».



BAKLASHKANING NARXI 25 SENT 9



BURUN ADENOIDI PARISHONXOTIRLIK
SABABCHISI 11



TADBIRKOR O'G'RI 12



ҲАЁТ ЗАВҚИ, ЭЪТИБОР, ИШОНЧ...



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Учтепа туманига қилган таширидан сўнг ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблаглари ҳисобидан тумандаги оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, уларга қўлай турмуш шароитини яратиш мақсадида 17 та ногиронлар аравачаси, 19 та эшитиш мосламаси, 8 та ҳасса, 2 та кўлтиқтаёқ, 2 та тирсақли ҳасса, 2 та кўзи оғир ҳасса савға қилинди.

Бу каби тадбирлар муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари ва қўллаб-қувватлашлари натижасида ташкил этилиб, аҳоли ўртасида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган одилонга сиёсатга бўлган ишончларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Чунки бундай тадбирлар орқали неча йиллардан бери ногиронлиги бўлган, эътибор ва реабилитация воситаларига муҳтож фуқаролар муаммоларининг ҳал этилишига, инсонларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин яратилмоқда.

ИМТИЁЗ ҲАРАКАТГА УНДАЙДИ

Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Мудоффа вазирлиги ҳамкорлигида "Ҳарбийларнинг оилаларини тадбиркорликка йўналтириш – иқтисодий муваффақият пойдевори" мавзuida тадбиркор хотин-қизлар иштирокида бизнес-форум ўтказилди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, тадбиркорлар фаол иштирок этди. Форумда хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, шунингдек, "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган "Устоз-шоғирд" тизими асосан хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган масалалар юзасидан мулоқот ташкил этилди.

дан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, шунингдек, "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган "Устоз-шоғирд" тизими асосан хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган масалалар юзасидан мулоқот ташкил этилди.



XOTIN-QIZLAR QO'MITASI
telegramm tarmog'ida

САМАРАЛИ ТАШРИФ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва муҳтор элчиси Цзянь Янь хоним билан Хотин-қизлар кўмитасининг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Боситхонова Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хитой Халқ Республикаси Раисининг "Бир макон, бир йул" форумидаги мулоқотларининг ҳар иккала халқ ҳаётининг фаровонлашувига қўшаётган улкан таъсири, давлат раҳбарларининг учрашувлари ва сиёсий иродасидаги уйғунликнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга асос бўлгани ҳақида айтиб ўтди. Шунингдек, узоқ муддатли тараққиётнинг умумий ёндашувлари белгилаб олинган, стратегик шерикликнинг янги босқичга кўтарилганлиги, Буюк Хитой давлати Ўзбекистонда аёл кишини элчи қилиб тайинлаганининг юқори аҳамияти, бу амалиётнинг гендер тенглиги борасидаги ислохотларга таъсири ва айниқса, Ўзбекистон Президенти Сенатнинг ялпи мажлисида таъкидлаган аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, 30 фоизлик квотани самарали бажариш борасидаги фикрлари билан уйғун экани борасида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Ўз навбатида Цзянь Янь хоним Эльмира Боситхоновани Бош вазир уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимини бажаришга киришганлиги билан табриклаб, Ўзбекистондаги Хитой элчиси сифатида икки тарафлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга бор куч-қувватини сафарбар этишини билдириб ўтди.

Иштирок этган тарафлар самимий ва илиқ учрашув учун миннатдорчилик билдирдилар ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ўртасидаги истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни белгилаб олдилар.

TEST JARAYONLARIDAGI YANGILIKLAR

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест маркази мутасаддилари жорий ўқув йилида олий таълим муассасаларига қабул бўйича ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик ҳолати юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликка маълумот берди.

– Жорий йилда тест топшириқлари базасини шакллантириш бўйича Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония тажрибалари ўрганилиб, тест топшириқларида график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилиши янгилик сифатида киритилди, – дейди Давлат тест маркази бошлиғи ўринбосари Қаҳрамон Ҳақбердиев. – Бу ишларни амалга оширишда Картография ва геодезия илмий ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузилди. Ҳозирда улардан 40 дан ортиқ шаблон-карталар олинган, шулар асосида тест топшириқлари ишлаб чиқилмоқда.

Абитуриентлар рўйхатдан ўтишда фуқаролик паспорти, паспорт ёшига етмаганлар учун тўғилганлик тўғрисида гувоҳнома, таълим муассасаларини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ва унинг иловаси, ҳамда имтиёзга эга бўлганлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этади. Булардан бошқа ҳужжатлар (86 форма, яшаш жойидан маълумотномалар) талаб этилмайди.

Давлат тест маркази бош бошқармаси бошлиғи Барно Жўрақуловнинг таъкидлашича, тест



маркази шаффофликни таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда биналар учун 1155 дан ортиқ видеокузатув камералари, 120 донга мобиль алоқаларни тўсувчи қурилмалар тайёрлаб қўйган.

Бу йил ўтган йилга қараганда тўрт

баробар кўп назоратчи тайинланади. Умумий ўрта таълим муассасасидан 2957 нафар малакали ўқитувчилар, 5183 нафар раҳбар ва педагог ходимлар саралаб олинади.

Шунингдек, "Бу йилги тест жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг иштирокига руҳсат бериладими ёки йўқми" деган савол ҳам кўпчиликда қизиқиш

Барчамизга маълум, ўтган йили Самарқанд вилоятида ўтказилаётган тест жараёни давомида чироқ ўчиш ҳолати кузатилган. Бу воқеа кўплаб тортишув ва баҳсли мулоҳазаларга сабаб бўлган.

Давлат тест маркази бўлим бошлиғи Улуғбек Норалиев мазкур ҳолатга ойдинлик киритди.

– Бунга сабаб кондиционер, катта экранли тасвир узатувчи қурилмалар, видеокузатув қурилмаларининг кўп миқдорда қувват талаб қилгани бўлди, – дейди У. Норалиев. – Бу вазият атрофдагилар ва ота-оналарда шубҳа туғдиргани маълум, аммо хавотирга ўрин йўқ, ҳар бир гуруҳга берилган камера тасвирни ёзиб олади. Жорий йилда ҳам тест жараёнига қўшимча электр манбалари ажратилиб, тайёргарлик кўрилган.

Бугунги кунда тест синовларини ўтказиш учун мамлакат бўйича 69 та бино танланган. Уларнинг энг каттаси 1710, энг кичиги 240 ўринлидир. Бу биналарда бир кунда 2 навбатда 1 минг 277 та гуруҳда жами 38 минг 310 нафар абитуриент тест топшириши мўлжалланган. Тест синовларининг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида бир кунда 2 минг 554 нафар назоратчи жалб этилиши белгиланган.

Таъкидланишича, фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб Давлат тест марказида мавжуд тест топшириқлари базасини жамоатчилик учун очиб қўйиш режалаштирилмоқда.

Васила Воҳид қизи

oilavajamiyat@mail.ru

OLIMA AYOLLARIMIZ GRAN-PRI SOHIBASI

Корея Ихтирочи аёллари Ассоциацияси (KIWA), Корея Интеллектуал Мулк Оффиси (KIPO) ва Халқаро Интеллектуал Мулк ташкилоти (WIPO) томонидан 20 июндан 25 июнга қадар Жанубий Кореяда XII Корея Халқаро Ихтирочи Аёллар Кўргазмаси – KIWIE 2019 бўлиб ўтди.



Халқаро кўргазма ихтирочи аёлларнинг фан ва технология соҳасида эришган ютуқлари, тажрибалари ва яратган янги технологияларини ўрганиш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ўтказилиб келинмоқда.

KIWIE-2019 кўргазмасида 30 дан зиёд давлатдан 400 нафардан ортиқ ихтирочи хотин-қиз техника, технология, тиббиёт, озиқ-овқат, энгил саноат, кимё ва саноатнинг турли йўналишлари бўйича ўз ихтироти ҳамда инновацион ишланма-

лари билан қатнашишди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан 12 нафар иқтидорли хотин-қиз Жанубий Кореяга халқаро кўргазма ва форумда қатнашиш ҳамда Ихтирочи Аёллар Академиясида ўтказиладиган ўқув курсларида малакаларини ошириш учун юборилган эди.

XII Корея Халқаро Ихтирочи Аёллар Кўргазмаси – KIWIE 2019 да иштирок этган Ўзбекистон делегацияси аъзолари эришган натижа-

лари ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларини намойиш қилишди. Ўзбекистон олимпиадаларининг ихтиролари халқаро экспертлар томонидан ўрганилиб, юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бўлим бошлиғи, профессор Карима Норқуллова “Энергия тежамкор қуритиш қурилмаси” номли ихтироси билан KIWIE 2019 нинг техника-технология йўналиши бўйича махсус соврин – Гран-при соҳибаси ҳамда “Sky Beauty”

компанияси раҳбари Назоқат Абдуллаева “Зайтун ёғи асосида ишлаб чиқилган органик совун” ихтироси билан косметика йўналиши бўйича махсус соврин – Гран-при соҳибаси бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза медалларини ҳам қўлга киритишди.

Ўзбекистон ихтирочи аёлларини Жанубий Кореядаги муваффақиятлари билан қутлаймиз.



AMALIY HARAKATLAR IJOBATI

Оқдарё туманининг “Амир Темур” номли маҳалласида “Обод қишлоқ” дастури асосида қуриб битказилган 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.



– Президентимиз мактабгача таълим тизimini такомиллаштиришга бағишланган йиғилишда “Биз мактабгача таълим соҳасида ҳар жиҳатдан

замонавий тизим яратишимиз керак. Келгуси 3-4 йилда 3-7 ёшдаги болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олишга эришмоғимиз шарт. Бу эртанги кунимизни ҳал қиладиган масала ва биз буни албатта амалга оширамиз” дея таъкидлаганди, – деди туман ҳоқими Феруз Абилов очилиш маросимида. – Туманда 34 маҳалла бўлиб, уларнинг 25 тасида болалар боғчалари мавжуд. 3-7 ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси бизни мутлақо қониқтирмайди. Шу боис барча маҳаллаларда, йирик қишлоқларнинг ҳар бирида болалар боғчалари фаолиятини йўлга қўйишни, нодавлат, давлат –хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасалари ташкил этишни режалаштирганмиз. Айни пайтда бу борада амалий ишларга ўтилди ҳам. Ўрганишлар шунинг кўрсатдики, мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг 10 таси мослаштирилган биноларда жойлаштирилган. 5-боғча биноси хом ғишдан қурилган. 11-мактабгача таълим муассасалари эса таъмирга муҳтож.

Демак, туманда бу соҳадаги муаммолар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар етарли. “Даҳбед”,

“Пўлатдархон”, “Чорбоғ-2”, “Олчинтепа” сингари маҳаллаларда болалар боғчалари ташкил этиш билан шу пайтга қадар тумanning бирор бир раҳбари қизиқмаган. Аслида мамлакатимизда тизимга жиддий эътибор қаратилаётган бир пайтда бу даражадаги эътиборсизлик кечирилмас ҳолдир. 2018 йил Инвестиция дастури асосида 3 та боғча реконструкция қилинди. Бундан ташқари “Турон” ва “Авазали” маҳаллаларидаги мактабгача таълим муассасалари таъмирланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизimini янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида туманда 2018-2019 йилларда 44 та нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил қилиниши ре-

жалаштирилган эди. Бугунги кунгача мазкур нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш истагини билдирган ташаббускор тадбиркорларнинг 23 нафарига туман ҳоқимлиги томонидан ер майдонлари ажратилди.

Айни пайтда фаолият кўрсатаётган МТМларда болажонларга 5 йўналишда таълим-тарбия бериб келинмоқда. Уларнинг барчасида чет тили, рус тили, бадий гимнастика тўғрисида ташкил этилган. Ҳафтанинг ҳар шанба кунини МТМларда ўқув амалий семинарлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Болалар боғчаларидаги кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, муассасаларни олий маълумотли кадрлар билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бахтигул АСРОРОВА,
Оқдарё туман мактабгача таълим бўлими мудири.



O'gaylikdan charchadim...

Яқинда бекатда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ўспирин йигитча тўққиз-ўн ёшлардаги икки нафар болани бисотидаги бор аччиқ сўзлар билан ҳақоратларди. Акаси бўлса керак-да, укалари бирор айб иш қилиб кўйган шекилли, деган ўй ўтди хаёлимдан. Аммо зум ўтмай болаларнинг бири бошини қуйи солганча бекатда тўхтаган биринчи автобусга чиқиб кетди.

Қизалоқ эса "аҳмоқсан, текинхўрсан, эркатойсан", сингари таъна дашномларни ер чизиб тинглашда давом этарди. Ўспирин йигит яна алланималар деди-да, кўздан ғойиб бўлди. Турган жойида тик қотган қизалоққа яқинлашдим. У ўлкаси тўлиб-тўлиб эзилиб, паст овозда йиғларди.

– Нега йиғлаясан, асал қиз, – дедим уни овутишга уриниб. Аммо у бир оғиз ҳам гапирмади.

– Аканг ташлаб кетганигами? – яна сўрадим.

– У ёмон ака, доим бизни тиланчилик қилишга мажбурлайди, – деди қизалоқ.

– Даданг, оийнг биладими? – Янги дадам ҳам, оийм ҳам ишда, Бехруз билан мени акамга қолдиришди.

Қизалоқ билан суҳбатлашиб билдимки, автобусга чиққан болакай унинг укаси экан. Ҳар гапида игналарини санчиб олаётган ўспирин йигит эса ўғай акаси экан. Ҳар ғал бекатга яқинлашганимда қизалоқнинг: "Бу гапларимни ҳеч кимга айтиб қўймайсизми? Акам: "Агар оғзингдан бир сўз чиқса, иккаловингни ҳам терингни шиламан, деган", дея кўрқув аралаш илтижолари боққан қизнинг кўзлари мақола ёзишга туртки бўлди.

УЛАРНИНГ АЙБИ НИМАДА?

Беғубор болалиги ўғай аканинг зугумига қўмилаётган болалар. Уларнинг айби ўғайлигимми? Уларнинг кўзидаги акасига нисбатан кўрқувни таърифлаш мушкул. Бу кейинчалик нафратга айланиши, ундан-да ташвишли. Ҳалиги ўспирин йигитнинг қалбига ўғайлик уруғини ким селди экан-а? Унинг сўзларидидаги ғазабнинг сабаби нима? У нимадан норозики, мурғакларни азобляпти? Бу саволларнинг охирига етиш жуда қийин.

Бир аёлни биламан, уч фарзандли киши билан оила қурган. Ҳозир ўзининг ҳам икки фарзанди бор. Бу оилада жами беш фарзанд аҳил-иноқ улғаймоқда. Шу аёлнинг фарзандларида ўғайлик кайфиятини бирор маротаба сезмаганман. Катта фарзандлари яъни, ўғайлари ўзиникидан-да аъло муносабатда бўлиб, ойисини ардоқлаётганига гувоҳ бўлганман. Ҳатто тўнғич ўғли кейинги икки синглисини шундай асрайдики, бу меҳрчин акаларнинг сингиллари га кўрсатган эъзоздан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Бундай инсоний муносабатларни кўрганда, меҳр-оқибат аталмиш фазилатларнинг моҳияти нақадар бой ва кенг эканлигига амин бўламиз.

ҚОНУНДА ҲАМ, ШАРИАТДА ҲАМ ЙЎҚ

Ўйлаб кўрсам, ўғай деган сўзни қонунларимизда ҳам, шариатда ҳам ҳеч ўқимаган ё эшитмаган эканман. Чунки қонуний никоҳ қурган икки фуқаронинг аввалги оиласидан фарзанди бўлса, улар отаси ёки онаси қарамоғидалигига қараб шу оиланинг фарзандига айланади. Диний нуқтаи назардан олиб қараганда, ота-онасини никоҳ бирлаштирган фарзандлар ака-ука, опа-сингилга айланиши тўғридек кўринади. Унда ўғай деган "тамға" қаердан пайдо бўляпти? Болаларнинг юз-кўзидаги нафрат, дилдорлик-чи? Бунга орамиздаги баъзи одамларнинг кези келганда виждон, меҳр-оқибат, андиша каби инсонийлик фазилатларини нафрати олдида сал четга суриб қўйиши сабаб бўлмаяптимикан? Аслида оила аталмиш қўрғон мустаҳкам бўлса, ота-она муомалау муросада бахтли ҳаёт кечирса, бундай муаммолар муҳокамасига ҳожат қолмайди.



“**Ҳар ғал бекатга яқинлашганимда қизалоқнинг: "Бу гапларимни ҳеч кимга айтиб қўймайсизми? Акам: "Агар оғзингдан бир сўз чиқса, иккаловингни ҳам терингни шиламан, деган", дея кўрқув аралаш илтижолари боққан қизнинг кўзлари мақола ёзишга туртки бўлди.**

ТУРТКИЛАШУ МАЛОМАТДАН ҚУТУЛАРДИМ!

Суҳбат орасида синглим ишхонасида дугонаси қўлини эҳтиётсизлиги сабаб қадоклаш аппарати шикастлаганини айтиб қолди.

“Ўзи жуда яхши қиз, аммо доим бошини эгиб, сиқилиб юради бечора, чунки унга ўғай акаси кун бермас экан”, – деди синглим ҳамкасбининг тақдирдан нолиб.

Қўли шикастланган қиз бир куни синглимга ижтимоий тармоқ орқали йўл транспорт ҳодисаси туфайли оламдан ўтган қиз ҳақидаги воқеани ўқиб, ўша қизнинг ўрнида мен бўлиб қолсам, ўғай акамнинг турткилашу маломатларидан қутулардим”, деган экан. Ака-сингил, опа-укалик бу жондошлик, қондошлик риштаси. Улар ўғай бўладими, чин бўладими барибир орадаги қондошлик риштаси меҳр билан сайқаллангани дуруст. Агар ўғай акасининг

зугумларидан чарчаган қизнинг гапларини ақли расо она-хонларимиз эшитганда: “Қўй, болам, бу гапинг худогаям хуш келмайди-я”, дея юпатган бўларди. Аслида ҳам шундай. Тасодифни қарангки, бу нолишнинг худога хуш келмагани кўриниб турибди, синган қўлнинг оғриғи эса дард устига чипқон бўлмадимикан? Шу ўринда ўғайлиқни ниқобга айлантириб олган акага ҳам муроса, инсоф берсин, дейишдан ўзга чора йўқдек.

Юқоридаги қизалоқнинг: “Ойим, янги дадам ишда, бизни акамга қолдиришди”, дейишида ҳам бир кемтиклик сезилиб қолди. Тўғри, рўзгорнинг ҳеч ками тўлмайди, ишлаш, ҳаракат қилиш керак. Аммо муаммони ҳар жиҳатдан таҳлил қилсақ, бунда катталарнинг, яъни, ота-оналарнинг ҳам ҳаёт ташвишлари билан ўралашиб, фарзандлар ўртасидаги муомалани муросага келтириб қўйишда оқсаганини тан олиш керак.

ЎЗИНГНИКИ ЎЗАГИНГНИ КЕСАДИМИ?

Ижтимоий тармоқларда ўн ёшли боласи билан ўғай акаси томонидан ҳайдаган, шундоққина йўл чеккасидаги ташландиқ жойда яшаётган аёлнинг видеоси тарқалди. Аёл бошига тушган кўргуликларни сўзлаётди, унинг ҳам ўғли мактабга бориши, таълим олиши, спорт тўғрақларига

қатнаши, қолаверса, ҳар куни ўқишдан қайтган боласини оғзига ёқадиган егуликлар билан қутиб олишни хоҳлашини ҳам айтиди. У биров томонидан эмас, балки ўз акаси томонидан ота-онасининг уйдан ҳайдалган. Шу ўринда ҳаммамизга маълум ака синглисининг ҳолидан хабар олиши учун ҳатто бугдойзорни қоқ ўртасидан кесиб ўтишга ҳам ҳаққи борлиги, аммо ота учун бунга рухсат берилмагани ҳақидаги ибратли ривоят эсимга тушиб қолди.

ҚАЛБ ОҒРИҒИ ТУЗАЛМАС

Майли, ҳаёт бир текис давом этмайди, у баланд, паст, кенг ва тор сўқмоқлари, катта-кичик ташвишлари-ю, хурсандчиликлари билан бир бутун. Аммо тарбияда дил қулфини очиб, фарзандларимизнинг маънавий оламига чин инсоний фазилатларни жо қилайликки, уларда юқорида келтирилган ҳолатларга адолат назари билан қараш, виждонан ёндашиш ва меҳр-эҳтибор кўрсатиш туйғуси кучли бўлсин. Ҳар қандай вазиятда оқил, кенг феъл бўлайлик. Муросаю мадора йўлини тапласину ҳеч ким азият чекмасин, турфа муаммолар қалқиб чикмасин. Ҳеч кимнинг дили, қалби тирналмасин, ўғайлиқдан боши эгилмасин.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

OILA TINCH, MAHALLA TINCH

Маҳалланинг роли ва ваколатлари, йил сайин кенгайиб бораётгани ҳақида кўп гапиримиз. Аслида-чи? Биз амалда шундай имкониятлардан кўнглидагидек фойдалана олаямизми, бу билан фуқароларимизнинг мавжуд муаммолари ечими топилшида амалий ёрдам беролаямизми?

Ҳақиқатда ҳам маҳалланинг жамиятдаги ўрни ошиб бораётгани бор гап. Бу ҳақда бугун етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар билади, десак лоф қилмаймиз. Негаки, каттаю-кичикка, ҳар бир тадбирга маҳалла бош. Ўз навбатида фуқаролар ҳам маҳаллага суяниб қолишган. Улар яхши кунда ҳам,

муаммолар гирдобига ўралашиб қолганида ҳам маҳалла сари шошилади. Тўй-ҳашамларнинг камчиқим ва тартибли ўтишини таъминлаш эса доимий эҳтиборда. Маҳаллалардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдам кўрсатиш ҳам зиммада.

Ҳадисларда айтилишича, бир пайтлар тўрт юз нафар авлиё Маккадан Самарқандга қараб қаландар ва аёллар кийимида йўлга тушириган экан. Сабаби, бу улуг замин тупроғида ётганлар жаннат бағрига тушмоғини улар англашган. Буёқ Самарқанднинг қуёшли қисмати бағрида даҳолар туғилмоғи, азиз ва муқаррам тупроғида улугларнинг мангу қўни топтоғи битилган дейишди. Мен ана шундай қутлуг заминда яшаётганимдан, шу ерда маҳалла аталмиш улуг жамоага бош бўлаётганидан ҳамisha шукур қиламан. Маҳалламиз аёлларнинг фаоллиги, интилувчанлигини улар-

нинг ушбу қутлуг заминга фидойилликлариде деб биламан. Айниқса фуқароларимиздан Азиза Турсунова ва Бибисора Зоированинг фаоллигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар маҳалладаги 715 та оила, 620 та хонадонда истиқомат қилувчи 2205 нафар аҳоли муаммоларини бартараф этиш йўлида бор имкониятлардан фойдаланишмоқда.

Мавлуда МУҲАММАДИЕВА,
Самарқанд шаҳридаги “Залларгартепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

AYOL NEGA JINOYATGA QO'L URADI?

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда ўз фарзандини пичоқлаган оналар, қайнотасининг жонига қасд қилган, қайнукасига тан жароҳати етказган келинлар жинояти бўйича турли шов-шувли хабарлар тарқалмоқда. Ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида бу хабарларнинг аксарияти асосли бўлиб чиқяпти. Уларга қилмишига яраша жазо тайинланмоқда. Аммо жазолаш билан вазият яхши томонга ўзгарганида эди... Бу аёллар ҳам бошқалар қатори кимнингдир сеvimли қизи, кимнингдир ардоқлаган синглиси, турмуш ўртоғи, суянган дўсти бўлиши мумкин эди, аммо...

Хўш, аёл кишида жиноят содир этишга мойиллик қачондан бошланади? Уни бартараф этиш мумкинми, каби саволларга жавоб олиш мақсадида 2-сонли шаҳар руҳий-асаб касалликлари диспансери психологи Нозима Носирова билан сўхбатлашдик.

ЖИНОЯТГА МОЙИЛЛИК ҚАНДАЙ БОШЛанаДИ?

Ҳеч ким жиноятчи ёки қотил бўлиб туғилмайди. Уни қандай одам бўлиб шаклланишида энг аввало, оила муҳитининг ўрни катта. Эр-хотин, қайнона-келин, ака-укалар ўртасида мунтазам тортишув кетадиган оилада ўсаётган қиз ўша муҳитдан нафас олади. Балоғат ёшига етгач атрофдагиларга муносабати шаклланади. Катталар болалар олдида бир-бирларига ўткир жисмли нарсалар билан тажовуз қилиш саҳнасини кўрсатишлари керак эмас. Жанжалкаш оилада ўсган қизлар ўзларига паст баҳо берадиган, келажакка умидсиз қарайдиган бўлиб қолади. Ўсмирлик ёшига етганида ўзини ҳимоя қилиш мақсадида агрессивлик кучайиб кетади. Муаммони келишиш орқали эмас, тажовузкор, яъни пичоқ тираш, тан жароҳати етказиш орқали ҳал қилиш керак, деган тушунча шаклланади.

МУАММОНИНГ САБАБИ НИМАДА?


Ҳар бир оилада турли можаролар, келишмовчиликлар бўлади. Айниқса, иқтисодий етишмовчилик бунга кўпроқ келтириб чиқаради. Му-

тушунтиришса, фарзанд ўсмирлик даврига етиб келганда агрессив реакцияларга мойиллик белгилари бўлмайди.

ЭНГ КЎП: ЎҒИРЛИК, ТОВЛАМАЧИЛИК

Қайси жиноят турлари кўп содир этилаётгани ҳақида психологияда аниқ статистика йўқ. Бундай маълумотлар юридик йўналишда далил сифатида қайд қилинади. Биз жиноятга инсоний нуқтаи назардан ёндашамиз. Айтайлик, ўғирликнинг энг юқори нуқтаси муҳтожлик ҳамда тақиқ. Масалан, қизалоқлар боғча ёшида ўртоқларининг ўйинчоқларини ўғирлаши, мактабда эса дугонасининг пули ёки ўқув қуролларини сездирмасдан олиб қўйиши мумкин. Айрим болалар қайсидир мевани жудаям егиси келади ёки қайсидир дугонасининг ўйинчоғига ҳаваси келади. Шундай пайтда онаси сенга бу мумкин эмас, бизнинг пулимиз кам, шароитимиз тўғри келмайди, деб уни пастга тортқилайверса, тақиқ қизчада ўғирлик хусусиятини шакллантиради. Шу сабаб ота-она имконияти бўлганида фарзандига у хоҳлаган нарсани олиб бериши керак. Агар им-

“
Айрим болалар қайсидир мевани жудаям егиси келади ёки қайсидир дугонасининг ўйинчоғига ҳаваси келади. Шундай пайтда онаси сенга бу мумкин эмас, бизнинг пулимиз кам, шароитимиз тўғри келмайди, деб уни пастга тортқилайверса тақиқ қизчада ўғирлик хусусиятини шакллантиради. Шу сабаб ота-она имконияти бўлганида фарзандига у хоҳлаган нарсани олиб бериши керак.



лик генетик муаммо ҳисобланмайди. Яъни, ёлгончи отонанинг фарзанди алдоқчи бўлиб туғилмайди. Алдаш мумкин, фақат тинимсиз эмас. Мени ўғлим ёки қизим алдади, турмуш ўртоғим ёлгон гапирди, деган хусусиятдан хафа бўлиш керак эмас. Ҳар бир инсон алдаш хусусиятига эга бўлади. Фақат унинг ўрнини аниқлаб олиш керак. Яъни, инсонга фойда ва зиён келтирувчи алдаш бор. Инсонга фойда келтирувчи ёлгон кўринчли эмас. Зарар келтирувчи турини эса ёшликдан тарбиялаб туриш керак. Аёлларнинг ёшлик давридаги алдаш хусусияти тарбияланмаса, секин-аста бу товламачиликка айланади. Ундай инсонларга хушёр бўлиш керак.

Алдаш оқибатлари ёмон эканини, болаларни ўз тилида, турли хил эртақлар, мультфильм, кинолар қўйиб бериш орқали тарбиялаш яхши самара беради.

ЖИНОЯТМИ ЁКИ ТИРИКЧИЛИК?

Фоҳишаликнинг энг биринчи омили, аёлнинг гормон хусусиятлари билан боғлиқ. Иккинчиси, етишмовчилик, учинчиси, ҳаётга энгиллик билан қараш ва ҳуқуқий оғишиш. Ҳуқуқий оғишиш (фоҳишалик) аёлларнинг фикри бўйича энгил йўл билан пул топиш усули. Унга мойилликнинг ривожланиши аёлни индивидуал психологиясига боғлиқ. Қанча иродаси мустаҳкам, ўзига ишончи кучли бўлса, ҳеч қачон бу йўлга қирмайди. Иродаси суст, ўзига паст баҳо берадиган, интеллектуал даражаси юқори бўлмаган аёллар, шароитим оғир деган баҳоналар билан шу йўлни танлайди. Бу йўлга кирганларга яхшиликка олиб келмаслигини, турли юқумли касалликлар келтириб

чиқариши мумкинлигини, ҳаёти хавф остида эканини шок терапия орқали тушунтириш керак.

ОМИЛЛАР НИМАДА?

Бировга тан жароҳати етказган аёлларнинг психологияси жуда мураккаб бўлади. Юзаки тарафлама унга агрессив, яъни кучли аёл экан, деб баҳо беришади. Лекин уларнинг ички дунёси ўрганилганда акси бўлади. Шундай аёллар борки, фарзандини ўғай отасидан ҳимоя қилмоқчи бўлиб, эрига тан жароҳати етказиб қўйиши мумкин. Яна баъзилар рашқ туфайли ҳам эрини жароҳатлаб қўяди. Улар иродаси нотургун эканидан, ўзини кучсиз ҳис қилганликларидан, ичларидидаги алам кучайиб кетганидан шу йўлни танлаган бўлишлари мумкин. Баъзи бир аёллар атайлаб қасддан кимгадир жароҳат етказишади. Уларни хулқи оғишган характер хусусиятига эга аёллар тилига киритамиз. Бундайларга, албатта, тиббий кўрик зарур.


ТАН ОЛИНМАСЛИК, КАМСИТИЛИШ САБАБ БЎЛАДИ

Иқтисодий етишмовчилик, оилавий можаролар, турли хил ижтимоий сабаблар оқибатида аёл бу кўчага илк қадамни ташлайди. Аёлларни жиноят қилишга ундовчи омиллар бор. Буларга атрофдагилар томонидан тан олинмаслик, хўрланиш, камситилиш, муаммоларнинг ечимини тополмаслик ёки руҳий оғишиш сабаб бўлади. Жиноят содир этишнинг ёши кўрсатилмаган. Агар аёл вақтида даволанса, хоҳиш истаклари амалга ошса, яқинлари томонидан тан олинса ҳеч қачон жиноят кўчасига қирмайди.

Ҳар бир аёл ўзича гўзал, ўзи хоҳлагандек бахтли бўлишга ҳақли. Ана шу ўзининг гўзаллигини, бахтли эканини ҳис қилган аёллар жиноят содир этмайди.

Жиноят содир қилиб, жазо муддатини ўтаб қайтган аёллар қилмишидан афсусда бўлса, тавба қилса, уларни кечириб, тан олиш керак. Янги мақсадлари сари йўл очиш, руҳиятларига кўтаринкилик бахш этиш учун хатоларини яқинлари билан бирга тузатиш, тўғрилаш мумкинлигига ишонтиришса, уларни ўз қуршовларига олишса кўзлаган мақсадига эришади.

Нигора РАҲМОНОВА
ёзиб олди.



аммонинг сабаби нимада эканлиги ва бу вақтинчалик ҳолатлигини болага тушунтириш керак. “Биз сени ҳам, бир-биримизни ҳам яхши кўраемиз. Ҳозирги муаммо вақти келиб ўтиб кетади, бунга ҳал қиламиз”, деб болани тинчлантириш керак. Келишмовчиликлар ортада қолиб, тўғри ҳал қилинганини кўрсатиб бериш керак. Ёки катталар муаммонинг ечимини топдик, сен хавотир олма, деб

кон бўлмаса, ўзлари қўлда ясаб, меҳрибонлик ҳамда уйин тарзида совға қилишса, боланинг қалбидидаги бўшлиқ қондирилади. Қониқмаслик, тақиқлар натижасида қизларда ўғирликка мойиллик пайдо бўлиши мумкин.

ЁЛҒОНЧИЛИК ГЕНЕТИК МУАММО ЭМАС

Ёлгон гапириш яъни, товламачи-

Омадой ОТАҚО‘ЗИЕВА:

TOSHDAN OG‘IR ZARBALAR BOR



Бугунги суҳбатдошимиз спортнинг оғир атлетика тури бўйича 15 карра Ўзбекистон чемпиони, 5 карра Осиё чемпионати совриндори, 2 карра жаҳон чемпионати иштирокчиси Омадой ОТАҚО‘ЗИЕВА.

СПОРТ – БУ ИРОДА

Спорт – бу ирода, спорт – бу куч, спорт – бу меҳнат асосида шаклландиган қобилият. Спорт сабртоқат, мустаҳкам ирода ва меҳнат. Бу сўзларни ўзим учун спорт оламида яшашимга асос бўладиган формула деб ҳисоблайман.

ГИМНАСТИКА...

Онам мени гимнастика оламига етаклаб кирганларида дастлаб астойдил ҳаракат қилиб, билимларимни мустаҳкамлаш учун курашдим. Лекин вақт ўтиб ташқи кўринишим, характер ва хоҳишларим шаклланган, ўз йўлимни оғир атлетикадан топдим. Спортни мен танламадим, спорт мени танлади, деб ўйлайман. Бунга қандайдир сабаб бўлмаган. Ҳаётим оғир атлетика билан бошланди, боғланди ва давом этяпти. Орзуларим шу боис амалга осяпти. Умидларим ва мақсадларим ҳам шу йўлга қаратилган.

ОҒИР ТОШЛАР ОҒРИҒИ

Оғир атлетиканинг соғлигимга зиён қилган вақтлари ҳам бўлди, албатта. Биринчи бор шикастланганимда белим каттиқ оғриб, шуғуллана олмайдиган даражага етдим, кейинги жароҳат туфайли кўлим синди. Онам шифокор бўлгани учун, менга ҳам тиббий, ҳам руҳий муолажалар қилиб чиниқтирди. Соғлигим сабабли спортдан воз кечадиган даражага етганимда онам ва устозим Баҳром Мелибоев менга далда бўлди.


Инсон ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши керак экан. Спорт менга қийинчиликни енгишни, сабри, қандай яшашни ўргатди, десам ҳам адашмаган бўламан.

ҚАТЪИЯТ

Оғир атлетикани танлашимга қаршилиқлар бўлмади, деёлмайман. Қатъиятимнинг мустаҳкамлиги, мақсадимга эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслигимга ишонган ота-онам рози бўлиб, ҳар доим қўллаб-қувватлаган. Оллоҳга шукр, яқинларим ва мураббийларимнинг юзини ёруғ қилдим, дея оламан. Нафақат ота-онам, балки бутун Ўзбекистон ишончини оқлашга бел боғлаганман.

oilavajamiat@mail.ru

Муваффақиятнинг битта сирини бу меҳнат деган бўлардим. Мен учун меҳнат ва сабр, омад калити.



ТАНҚИД

Танқид ривожланишга туртки беради дейишади. Ҳаётимда танқидчиларга кўп учрадим, ҳатто керагидан кўп танқид эшитдим. Лекин менга ишонадиган инсонлар, мухлислар, қўллаб-қувватловчилар сони танқид қилувчилардан икки-уч марта кўп. Мен уларнинг ишончи билан юксаламан, уларнинг дуоси билан руҳланаман. Шундай экан танқидга эътибор бермай яшайман.

ИККИНЧИ ИМКОНИАТ

Ҳаётда яна бир бор имконият берилса-ю мен Омадой бўлиб дунёга келсам, бундан ҳам яхши спортчи бўлишга, Ўзбекистон номини бунданда юксакларга кўтаришга ҳаракат қилардим. Қўлимдан келганча халқим дуосини олишга киришардим.

Оила даврасида ўтирган вақтларимизда касб ҳақида гап очилиб қолса мен спортчи бўлмаганимда (иккинчи имконият ҳақида айтмаяпман) банкир ёки шифокор бўлардим дейман (кулади).

ҲАЁТДАГИ ИДЕАЛИМ

Инсон кимгадир ҳавас қилиб, бирор машҳур ёки билимли инсонга ўхшашни истаб яшаса, натижаси ҳам ўзи кутганидек бўлади деб ўйлайман. Масалан, мен Иван Ефремовнинг меҳнатини, сабрини, кучини кўриб, кузатиб келаман. Унга ўхшашни ният қилганман. Мен уни Ўзбекистондаги энг зўр, ҳақиқий оғир атлетика спортчиси деб биламан.

МУВАФФАҚИЯТ СИРИ

Муваффақиятнинг битта сирини бу меҳнат деган бўлардим. Мен учун меҳнат ва сабр, омад калити. Бошқа бирорта қиз мен қилган меҳнатни қилса, сабрли бўлиб ҳаракатдан чарчамаса у ҳам мен эришган ютуқларга эриша олади. Чемпион бўлиш ҳаммани қўлидан келади фикримча. Мен меҳнат қилдим ва шунга яраша рағбат олдим. Истеъдодни меҳнат ва ҳаракат шакллантиради.


ИСМИМ – МЕНИНГ ОМАДИМ

Исминим бобомлар қўйган, лекин спортчи бўлишимни билишмаган (кулади) менимча. Дадамнинг ишларига омад олиб келишимни мақсад қилиб қўйган бўлса керак.

Юртим шаънини ҳимоя қилиб, олтин медаллар билан мукофотланиш, энг олий мақсадларимдан бири. Орзуим келажакда бўлғуси чемпионларга мураббийлик қилиш, ёш иқтидорларни дунёга танитиш.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

POKLIK VA EZGULIKNING MANGU NIKMATI



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фаргона вилоят бўлими раиси, Республикада хизмат кўрсатган журналист Муҳаммадjon Обидовнинг ташаббуси билан, Рамазон ойининг сўнгги ўн кунлигида журналистларнинг умра зиёрати ва Саудияда ҳамкасблари билан ҳамкорлик сари сафари ташкил этилди.

Биз умра зиёратига отланган юртдошларимиз қатори "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг умри авиалайнерида Жидда сари боряпмиз. Кўнглимизда орзу қилганимиз – улуг сафарга етказётганига шукроналик, уни бекам адо этиш, айна пайтада мусулмон оламининг юраги ҳисобланган юрдаги ҳамкасбларимиз билан бўлажак учрашувлар иштиёқи. Салкам беш соатлик учиш пайти ҳам ниҳоясига етди. Трапга чиққан заҳоти тун бўлишига қарамай юзимизга Жидданинг қайноқ тафти урилади. Бизлар учун ажратилган замонавий автобусларда милодий йил ҳисобида бундан 1397 йил аввал Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салам ва Маккадан келган муҳожирларга энг машаққатли кунларда бағрини очган, Аллоҳ расулунинг табаррук ҳоқи пойи кўним топган Мадина-ан-Набий – Пайгамбар шаҳри сари йўл оламыз.

МАДИНАДА УЧ КУН

Автобуста беш соатлар чамаси йўл юриб, Мадинаи мунавварга кириб борамиз. Бу ерда ҳаёт ҳаво хароратидан ҳам қайноқ эди. Ҳарамнинг шундоққина атрофидаги бир неча унлаб мухташам, кўп қаватли меҳмонхоналарнинг бири – "Зам-зам"да кўним топамизу Расулulloх с.а.в. раваларига ошиқамиз. У кишининг пок руҳларига саломлар йўллаб, Аллоҳнинг номи ила ичкарига интиламиз. Умра учун буюрилган амалларни бажариб ва ниҳоят, кўк гўмбаз остидаги Равзаи муборак қаршисида дуога кўл очиб, бу дунёи у дунёи учун кўнглимиздаги бар-


ча тилакларни сўраш бахтига муяссар бўламиз.

Бу ерга дунёнинг тўрт тарафидан келган барча – қора, қизил, оқтанлилар бир эътиқод, бир маслақда муборак Равзага интилади. Ҳолатни кузатар эканман, Расулulloх с.а.в.нинг китобларда ўқиганим – Ислони илк тарғиб қилиш даврида тортган азобу укубатлари, Бадр, Ухуд тоғларидаги жангу жадаллари кўз олдимдан бирма-бир ўтади. Қанчалик талофотлар кўрилмасин, Расулulloх с.а.в.нинг сабри-матонати, тадбири, шарофати билан ҳатто ашаддий душманлар ҳам Ислому эътиқодига ўтишган, шу аснода мусулмонлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораверган экан.

АССАЛОМ, МАККАИ МУКАРРАМА!

Учинчи кун кечга томон фарғоналик зиёратчилар учун ажратилган автобусда Маккаи мукаррама томон йўлга тушамиз. Умра амали олдиндан қилинадиган талабларни бажариб, йўл-йўлакай сахарлик қилиб, тонга яқин Расулulloх с.а.в.га беҳисоб азиятлар етказган, маломатлар қилган, аммо пировардида қаршисида бош эгиб турган маккаликлар ошёненига кириб борамиз. Ҳа, Одам Ато асос солган, Иброҳим Ҳалилulloх қайта тиклаган, Расулulloх с.а.в. шарофатидан улуг зиёратгоҳга айланган Аллоҳнинг Уйига жуда яқинмиз! "Кисва" ("Қабанўш" маъносини англатаркан) меҳмонхонасидаги жойларимизни банд этгач, кўнгилда олам-олам ниятлар, дуолар билан "Лаббайка" айтиб, буюк Ҳарам томон оланамиз. Дунёнинг миллионлаб мусулмонлари орзу қилган шундай тавофга мушарраф этиб қўйганига беадад шукрлар айтамыз. Айниқса, Рўзаи рамазон кунлари Каъба саҳнидан тортиб махсус барпо қилинган тўрт қаватли айланма тавоф майдонлари туну кун зиёратчилар билан лиқ тўла бўларкан. Назаримда, улар ҳар бирининг дилида бир ният: поклик, эзгуликлар ортидан

Дунёнинг миллионлаб мусулмонлари орзу қилган шундай тавофга мушарраф этиб қўйганига беадад шукрлар айтамыз. Айниқса, Рўзаи рамазон кунлари Каъба саҳнидан тортиб махсус барпо қилинган тўрт қаватли айланма тавоф майдонлари туну кун зиёратчилар билан лиқ тўла бўларкан.



Аллоҳнинг ризолигига эришиш.

Каъба атрофида етти марта айлиниб, буюрилган дуолардан сўнг юртимизга тинчлик, Юртбошимиз бошчилигида халқимизга омонлик, тараққиётимизга бардавонлик, оиламиз, фарзандларимиз, жон-жигарларимиз, барча яқинларимизга икки дунё саодатини тилаб, дуога кўл очамиз. Сафо-Маъво тоғлари орасида етти марта саъй қилиб, суннат амалларини бажарамиз. Кейинги кунлари ҳам ҳар ким ўз ниятига кўра, амалларни адо этди: кимдир ота-онаси, яқини номидан умра бадал қилса, кимдир нафл тавоф этади. Айниқса, Рамазоннинг охириги ўн кунлиги тоқ кунларидан қидириладиган, дуолар ижобат бўладиган кечаларни деярли барча зиёратчилар Каъба қаршисида, Ҳарамда, ҳатто одам кўплигидан имомнинг овози етиб келгудай жой – атроф кўчаларда бедор ўтказишга ҳаракат қилди. Бизга эса бу кунлари Ҳарам ичидан

жой текканига, Каъбанинг бош имоми Абдурахмон Судайсийнинг қироатларидан, дуоларидан баҳраманд этганига Яратганга ҳамду санолар айтдик.

БОШ КОНСУЛХОНАДА

Мақкага келган кунимиз кечга томон Жидда шаҳрида, Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги бош консулхонасида мамлакатнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистлари билан учрашув бўлиши маълум қилинади. Чунки кун билан Саудия подшоҳи ҳамда валиаҳд шаҳзода ташаббуси билан ўтказилаётган исломий анжуманга дунёнинг 46 та давлатидан келаётган меҳмонлар кутиб олинган экан.

Мақка билан Жидда орасида энгил машинада бир соатлик йўл экан. Бу ерда бизни бош консул Сирождиддин Шамсуддинов мамнуният билан кутиб олади. Бош консул учрашув чоғида ҳозир бўлган меҳмонларни таништириб, икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларида журналистларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Ва "Имом Бухорий, Замахшарий, Мотурудий, Термизий, Марғинонийдек буюк уламолар юрти журналистларининг бу ташрифи саудиялик ҳамкасбларининг Ўзбекистон сари йўлини очишига катта имкондир, – дейди у. – Бу ҳамкорликда биз маънавий кўприк вазифасини ўташга тайёрмиз".

Учрашув чоғида мамлакатнинг етакчи "Ал-Анба" газетаси таҳририят мудир Абдулла Мазрук ал-Янбавий икки мамлакат журналистлари ўртасида ахборот алмашишни кенгайтириш зарурлигини, "Ал-Билла" газетаси муҳаррири Халид ибн Мирдах ал-Миррий Саудия оммавий ахборот воситаларида сифат ўзгаришлари юз бераётгани, Ўзбекистон ҳақида кўпроқ билишни хоҳлашларини, Мақка телевиденисининг машхур журналисти Мансур Низомиддин Ўзбекистонда Саудия телевидениеси мухбири йўқлиги учун ҳам юртимизни яқиндан билмасликларини, бу ҳақда Россия ва Фарб ОАВ орқалигина ахборотлар олишганини, улар ҳар доим ҳам тўғри бўлавермаслигини таъкидладилар. Учрашувда "У Каз" газетаси муҳбири Файсал Мажраший, "Саада ал-Мувадин" газетаси фарбий минтақа бюроси раҳбари Муҳаммад Ал-Амрий, блогер Римузоним, йирик тадбиркорлар Фаҳад Аҳмад ал-Мансурий, Абу Салмон ал-Ҳўқандийлар ҳозир бўлдилар. Ота-боболари асли андижонлик бўлган, шу юрда туғилиб-ўсган таниқли ижодкор, ўзбекона айтганда, Обиджон Муҳаммадjon ўғли бизларга араб тилида-

ги Ўзбекистон тарихи, унинг меҳнаткаш халқи, буюк алломалари, асрий обидалари ҳақида ёзган китобини совға қилди. Шу табаррук заминда туғилиб ўсган бўлса-да ватандошларимиз кўзларига ота макони соғинчи, Ватан меҳрига ташналик шундоққина акс этиб турганини юрак-юракдан ҳис қиламиз.

– Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон ҳақида кўпроқ билишни жуда истаймиз, – дейди учрашувда ҳозир бўлган блогер, доктор Муҳаммад Ҳамдам. – Валиаҳд шаҳзода томонидан мамлакатимиз иқтисодий ёнида ривожлантиришга қаратиб, 2030 йилгача мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастурда ҳўл мева, сабзавотни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистон эса ана шундай махсулотларга бой юрт эканини биламиз.

Дастурда араб аёлларининг тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида белгиланган. Билишимизча, Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигига кенг йўл очилган. Яқин орада Ўзбекистон тадбиркор аёллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун делегация юбормоқчимиз. Сизларнинг бу ташрифингизни ана шу ҳамкорликларимизнинг деб-бачаси, деб ҳисоблаймиз. Ҳар қандай эзгу мақсадлар рўёбиде журналистларнинг тарғибчилик роли беқиёслиги ҳаммамизга маълум. Шунинг учун ҳам ташрифингиз ва умра зиёратингиз муборак бўлсин, дейман.

Учрашув самимий ва ишчанлик кайфиятида ўтди. Гузал Жидда шаҳридан қайтиб, яна умра амаллари баробарида табаррук жойлар зиёратига киришиб кетамиз. Жангу жадалларда Расулulloх с.а.в. яширинган Сур тоғи, Одам ато билан Момо Ҳаво учрашган Нур тоғи, Хиро гори, ҳаж мавсумида зиёратчилар тунайдиган Арофат тоғи, Муздалифа майдони, Хадичаи кубро ҳоқи мангу манзил топан қабр, шайтонга тош отиш жойи... буларнинг барчаси эзгулик, ҳалолликнинг ёвузлик, жаҳолат устидан ғалабасининг мангу кўнгириги янглиғ узоқ ўтмишдан садо бераётгандай гўе. Тавофу зиёратлар, дуолар ижобат бўладиган дамларда Яратганга қилинган муножатлар, дуою покиза ниятлардан, яхшилик излаш асносидаги дийдорлашувлардан кўнгиллارнинг энг хилват пучоқларига-да яширинган гуноҳлар тўкилиб, тозабид бораётган бўлса неажаб. Икки Ҳарамга го бўлган поклик ва эзгуликнинг мангу ҳикмати ҳам шунда-да асли.

Ана шундай беназир таассуротлар гирдобиде буюк сотлар Ватани, тупроғи зар, эли заргар юртимизга, ўн кунда соғинганимиз – оиламиз бағрига қайтамиз.

Хадичахон КАРИМОВА,
Фаргона вилояти.

oilavajamiyat@mail.ru

Аёл уч кунки, алаҳсирайди. Уч кунки, ўзига келмайди. Иситмаси кўтарилади. Гоҳ вужуди олов бўлиб ёнади, гоҳ пешонасидан совуқ тер чиқиб, қалтирай бошлайди – ваража тутади. Бетобликнинг уч кунлик оғир палласи юзидан нурни, рангидан жилони олиб қўйди.

Қизча уч кундирки, онаси атрофиди гирдиқалпалак. Унга онаси узоклашиб кетаётгандек туюлаётгани: аёл уни эркаламаяпти, бағрига босмаяпти, кўнғир сочларини силаб: "Вой-вой-вой! Асалнинг ҳиди келади-я", дея шу сочлардан, мана уч кундирки, ўлиб қўймаяпти. Қизчанинг эса ҳар доим яхши кўриб, тамшаниб хидлайдиган онасининг ҳиди билан қандайдир дориларнинг ҳиди қоришиб кетган. Шундай бўлса-да, у тўшақда ўзини билиб-билмай, хуш-беҳуш ётган онасининг пинжиги текилади – унинг кучоғини кўмсайди. Бармоқчалари билан онасининг учиб-учиб тушаётган қовоқларини силайди – унинг кўзларини очиб қизалогога аввалгидай меҳр билан жилмайиб боқишини истайди. Уч кундирки, у бу нигоҳни ҳаммадан излаб кўрди – бувисидан, дадасидан, холасидан, опаларидан... Аммо ҳеч кимнинг қараши онасиникига ўхшамади.

– Намунча текиласан? Онагни тинч қўйсанг-чи! Ўзи дард билан олишиб ётгани етмайди? – боз устига жеркиб берди уни холаси, онаси уни "опажон" деб қақирадиган аёл.

Қизча жавдиради. Ана, холасининг гапини эшитдими, онасининг қўли қимирлагандай бўлди. Қўллар қизча томон салгина узалди. Қизчани кучоқламоқчи бўлди, чоғи, аммо ҳоли етмади. Яна пешонасида томчилар пайдо бўлиб, қизалоқнинг назарида "ухлаб" қолди. Қизча онасининг "уйғониши"ни, яна унга қўл узатишини кутиб, онасининг ёнида қолди. Она ингради. Қизча донга талпинган жўжадай бўйинини чўзди: онасининг "Ҳа, момақаймоғим", дейишини кутди. Аммо, онаси демади, яна "ухлаб" қолди. Унинг ухлаши ҳам галати, аввалгиларига ўхшамайди. Авваллари у ухлаётганда ҳам қизчаси ёнига келганини сезарди, уни кучоқлаб

Она қисқоғ'и



оларди, кучоқлаб ухларди. Ҳозир эса қиё ҳам боқмаяпти.

– Онаг оғриб қолди, тушунтирмоқчи бўлишди эндигина уч ёшга кираётган гудакка.

"Оғриб қолди" – ухлаб қолди, деганимикан? Қизча тушунмади, лекин у онасининг нимадандир қийналаётганини хис қилди. Эҳтимол у уйғонишни истаяпти-ю аммо уйғона олмаётгандир? Унга ёрдам бериш керакдир? Қизалоқ онасини туртиб кўрди.

– Тегма, дедим-ку, қизим, – бироз юмшагандай бўлди хола ҳам, ўша, онаси "опажон" деб қақирадиган аёл.

Эҳтимол онаси очқагандир? Ахир

анча бўлди овқат емаганига.

Қизига айтар эди-ку: "Емасанг, чарчаб қоласан", деб.

Қизча онасига егулик келтириш учун ошхонага чиқиб кетди. Стол устида ўроғлиқ турган дастурхонни очиб, бўрсилдоқ нонни олди-да, ундан бир бурда синдириб олмоқчи бўлди, аммо кучи етмади. Онаси нонни чойга бўктирганда осон синиши ёдига тушди. Нонни олиб сув крапи олди-га борди. Оёқларининг учида туриб, бир амаллаб жўмакни кўтарди. Оқаётган сувга нонни бир оз тутиб турди. Сув нон юзидан оқиб ўтиб, қизчанинг енгини тирсагига ҳўл қилди.

Қизча нонни стол устига қўйиб, ўша ердаги кўлсочик билан енгини артмоқчи бўлди, аммо сочқ енгадаги ҳўлликни қуритолмади. Қизча яна нонни синдиришга уринди – бир оз намланиб, юмшаган нонни амаллаб синдириб олди.

Сўнг музлаткичи очди – у ерда косада қаймоқ турганди. Қизча қўлидаги нон

билан артмоқчи бўлди – қаймоқ томчиларининг юзасигина олинди холос. Кўйлагиди эса, музлаткичдан артиб олинган қаймоқ юқига қўшилиб, баттар суркалиб кетди. Ҳозир онаси бўлганда "Расво қилдинг-ку!", онаси эса, "Вой, момақаймоғим-эй, келақол, ўзим артиб бераман", деган бўларди.

Қизча сочиқчани яна стол устига қўйди-да, онасининг ёнига югуриб кетди. Холаси туни билан онасига қарагани боис, нариги тўшақда ухлаб қолган, онасининг ёнида бошқа ҳеч ким йўқ эди. Қизча чўккалаб, нонни онасининг оғзига тутди – онасининг лабларига қаймоқ қўралди. Аввалига она қизалоғи ҳамон тутиб турган нонни "емади", кейин сал тамшангандай бўлди.

Қизчанинг кўзлари порлаб, юзлари яшнаб кетди – чунки онасининг оғзига қаймоқли нон ушоғи кирди. Она секин кўзини очди. Қизча қаради ва ҳазингина бўлса-да, жилмайди! Уч кундан бери у биринчи мартаба жилмайиб қаради, қизига! Қизча ҳам жилмайди ва ҳамон қўлида қаймоқли нонни ушлаганча, онасининг бағрига бошини қўйди – яна ўша, соғинган хидини туйди!

Она бир қўли билан қизини қучганча, иккинчи қўлини қизалоғининг сочларига олиб борди. "Асалнинг ҳиди келяпти-я..." деди секингина. Сўнг эса, "момақаймоғим", деди: Қанчалар ёқимли эди бу сўз! Дадаси олиб берган шоколадлари-ю онаси истироҳат боғига олиб бориб, учуриб келган ҳалинчаларидан, боя жеркиб берган холаси тикиб келиб, унга кийгизиб қўйган чиройли қўйлакчаси-ю аммаларининг "тилло қиз", деб эркалашларидан минг чандон ёқимли эди бу сўз!

Қизча эриб кетди гўё. Онасининг



Она бир қўли билан қизини қучганча, иккинчи қўлини қизалоғининг сочларига олиб борди. "Асалнинг ҳиди келяпти-я..." деди секингина. Сўнг эса, "момақаймоғим", деди: Қанчалар ёқимли эди бу сўз!

бурдасини қаймоққа ботирди. Нонни қаймоқ косасидан қайтиб олаётганда, қаймоқ аввал музлаткича, сўнг полга, ундан кейин эса қизчанинг этагига томди. Томганда ҳам, тўкилгандай бўлиб томди. Қизча уларни ҳам қўл сочик

пинжиги энтиқиб, маҳкамроқ суқилди.

Онаси ҳам энди уни маҳкамроқ кучди:

– Мен энди касал бўлмайман! Сен учун ҳам касал бўлмайман, момақаймоғим...

Шахло АХРОРОВА

BAKLASHKANING NARXI 25 SENT

"Оила ва жамият" газетасининг 2019 йил 26 июнь сонида чоп этилган "Елим идишларсиз ҳаёт йўқми?" сарлавҳали мақолани ўқиб, фикр билдиришни жоиз деб топдим. Ўзим Германияда яшасам-да, кўнглим она Ватанимда. Яқинда бир ойлик таътилга чиқиб, Ўзбекистонда бўлиб қайтдим. Аҳоли фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ўзгаришларни кўриб, хурсанд бўлдим. Аммо кўчаларнинг дуч келган жойида уюм-уюм бўлиб ётган чиқиндилар, йўл чеккаларига ташлаб кетилган елим идишларга кўзим тушиб, кайфиятим бузилди.

Пластик идишлар муаммоси бутун дунёда бор. Фақат ҳар бир мамлакат ушбу муаммога турлича ёндашади. "Оила ва жамият" газетасида дол-

зарб муаммо кўтарилган. Экология учун ҳар биримиз масъулмиз. Фақат қарашларимиз турлича. Баъзилар экология ифлосланишига жиддий муаммо деб қараса, айримлар қўлидаги баклажкани дуч келган жойга улоқтириб кетади. Бу инсоннинг виждонига, тарбиясига боғлиқ.

Европанинг барча мамлакатларида жумладан, Швейцария, Германия, Италияда баклажкани пулга сотиб оласиз. Масалан, "Coca cola"нинг нархи 1 доллар бўлса, идиш учун алоҳида 25 цент тўланади. Шунда ичимликнинг умумий нархи 1 доллару 25 центни ташкил қилади. Ҳар битта дўкон олдида махсус ускуналар ўрнатилган бўлиб, улар бўш баклажжалар савдосини амалга оширади. Уйда баклажжа кўпайиб кетса,

уларни махсус электрон ускуналарга элтиб топширасиз, у эса ҳар бир баклажжага 25 центдан пул беради. Бундай электрон савдо нуқталарининг ўрнатилиши кўчаларда баклажжалар уюми пайдо бўлмаслигига хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам баклажжаларни қабул қиладиган махсус дўконлар хизматини йўлга қўйиш керак. Ана шунда ушбу муаммога қарши курашиш анча

енгиллашади. Келинг, биргаликда пластик ифлосланишни тўхтатайлик ва сайёрамизни ҳаёт учун энг яхши жойга айлантирайлик.

Гулрўх ЙЎЛДОШЕВА,
Санъатшунос журналист,
Германия.

Meryem Uzerli:

“SURATGA OLISH MAYDONCHASINI TARK ETDIM”

Европа ва турк актрисаси Меръем Сахра Узерлига “Муҳташам юз йил” сериали шухрат келтирди. Актриса Хуррам Султон ролини шу даражада маромига етказиб ижро этдики, сериал экран юзини кўрган куннинг эртасига у машхур бўлиб уйғонди. Бугунги кунда Европа ва Осиё мамлакатларида бирдек мухлислар олқишига сазовор бўлган актрисанинг ҳаёти ва ижодига тўхталиб ўтамиз.

БОЛАЛИГИ ВА ЁШЛИК ДАВРИ

Актриса 1983 йилнинг 12 августида Германияда туғилган. Ўша пайтда Меръемнинг онаси (немис) Урсула ва отаси (турк) Хусейн Меръем Узерлига она томондан туғилган ҳисобланадиган иккита ўғилни тарбиялаётган эди. Иккита қиз Меръем ва Джанани Урсула Узерли билан турмуши чоғида дунёга келтирган.

Меръем Узерлининг актрисалик фаолияти 5 ёшидан бошланди. Бу ёшда қизалоқ биринчи марта отасининг дўсти раҳбарлик қиладиган театр саҳнасига чиқди. Вақти келиб ёш актрисани санъатни чуқур ўргатадиган мактабга олиб келишади. У ерда Меръем театр амалиётини давом эттиради, театр ва мактаб саҳнасида кўплаб ролларни ижро этади.

Умумтаълим мактабидаги ўқишлар ниҳоясига етгач, Узерли энг машхур Гамбург театр мактабини танлади. У ерга кириш эса жуда қийин бўлиб, ҳужжат топширган 300 та номзоддан 5 тасига талабалик бахти nasib этди. Омадлilar орасида Меръем Узерли ҳам бор эди.

ФИЛЬМЛАРИ

Театр мактабини тугатгач, ёш актриса 6 йил давомида Гамбург театри саҳнасида роль ижро этди. Аммо кейин



Узерлининг тўсатдан суратга олиш майдончасини тарк этишига бир нечта сабаблар кўрсатилди. Актрисанинг айтишича профессионал чарчоқ, чексиз съёмкалардан асабийлашиш. Турк оммавий ахборот воситаларида эса бошқа бир сабаб кўрсатилди – Узерли, шериги Халит Эргенчнинг фильм Саудия Арабистонида эфирга узатиш учун сотилганидан сўнг катта миқдорда мукофот олганидан норози эди.



килинди. Аммо вақт ўтиши билан Александра турк тилида гаплашиши керак эди ва Узерли бу вазифани удалади.

“Муҳташам юз йил”нинг биринчи қисми намойиш этилиши билан турк халқининг эътиборини тортиди. Бутун мамлакат актрисага меҳр кўйди. Туркияда Меръем аёл гўзаллигининг намунаси деб аталди ва миллий кино юлдузлари билан бир қаторга қўйилди.

Узерли Александра ёки Хуррам Султон ролини “Муҳташам юз йил” сериалининг 99 қисмига ижро этди. Фильм актрисага шухрат келтирди, кўплаб мукофотларга лойиқ топилди. Суратга олиш ишлари 2011 йилдан 2013 йилнинг май ойига қадар давом этди. Май ойида Меръем тўсатдан кўч кўронини йиғиштириб, Берлинга жўнаб кетди. Режиссёр Узерлини бошқа бир актриса Вахиде Перчин билан алмаштирди.

Узерлининг тўсатдан суратга олиш майдончасини тарк этишига бир нечта сабаблар кўрсатилди. Актрисанинг айтишича профессионал чарчоқ, чексиз съёмкалардан асабийлашиш. Турк оммавий ахборот воситаларида эса бошқа бир сабаб кўрсатилди – Узерли, шериги Халит Эргенч (Султон Сулаймон)нинг сериал Саудия Арабистонида эфирга узатиш учун сотилганидан сўнг катта миқдорда мукофот олганидан норози эди. Асосий ролни уйнаган Меръем эса бир тийин ҳам олмади.

Шунга қарамай, йирик турк лойиҳаси актрисага шон-шухрат келтирди. Фильмни суратга олишда иштирок этиш актриса учун тажриба мактабини ўтади. Бундан ташқари, янги дўстлар орттирди.

Лойиҳани тарк этгач, актриса муаммога дуч келди. Шартномага кўра у “Муҳташам юз йил” сериали суратга олиш ишлари якунига етмасдан туриб бошқа лойиҳаларда иштирок этиши мумкин эмас эди. Бошқа ҳар қандай тақлиф рад этилиши керак эди. Шартномани бузганлиги учун 1 миллион доллар жарима тўлашга тўғри келарди. Лекин 2015 йилда Меръем яна Александра ролига қайтиши мумкинлиги маълум бўлди. Машхур турк сериали ижодкорлари сериал сюжетлари асосида янги фильмни суратга олишни режалаштирган эди.

2015 йилда немис-турк актрисанинг мухлислари “Она қайғуси” сериалининг экранга чиқшидан мамнун бўлдилар. Фильм Туркия, Хорватия ва Боснияда суратга олинди. Бир йил ўтгач эса “Тунлар қироличаси” мелодрамаси премьераси бўлиб ўтди. Фильмда Узерли пардоз-андоз воситалари ишлаб чиқарувчи образини ижро этди. Лойиҳа рейтинги жуда ҳам

паст бўлганлиги сабабли суратга олиш ишлари тўхтатилди.

Узерли фақат актрисалик билан чегараланиб қолмади. У ўзида тадбиркорлик қобилияти борлигини сезиб қолади. 2015 йилда актриса “Meryem Cosmetics” маркаси остида косметология махсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

ШАХСИЙ ҲАЁТИ

Меръем суратга олиш майдонини тарк этишига яна бир сабаб, актрисанинг ҳомиладорлиги дея кўрсатилади айрим маълумотларда. Актриса 4 ойлик ҳомиладорлиги сабаб Туркияни тарк этди. Германияга кетганидан кейин унинг ҳомиладорлиги ошкор бўлган. Боланинг отаси турк бизнесмени Жан Атеш эди. Уларнинг севи қиссалари тўй билан якунланиши керак эди, аммо 2013 йилнинг август ойида улар ажрашиб кетишди. Тадбиркорнинг олдинги никоҳидан фарзандлари бор эди. Меръемнинг ҳомиладорлигини билгач муносабати ўзгарди. Шу сабабли актриса Туркияда қолишни истамади. Фарзанди она ватани Германияда дунёга келишини хохлади.

2014 йилнинг феврал ойида Меръем қиз туғди ва уни Лара деб атади. Жан Атеш қизининг ҳаётига аралашини, ундан хабар олиб туриши мумкин. Меръем ўз интервьюсида бунга тўлиқ ҳуқуқи борлигини айтди. Аммо унинг шахсий ҳаёти собиқ севилиси билан боғлиқ эмас.

2015 йилда актрисанинг собиқ ҳамкори Озан Гүвен билан ишқий муносабатлари ҳақида гап тарқалди. Бироқ Меръем миш-мишларни рад этди. Бир йил ўтгач актриса турк бизнесмени Алп Озжаннынгни ёнида пайдо бўлди. Жуфтлик ёз ойларида Франциянинг жанубидаги Сен Тропеда ўтказишди. Узерлининг қизи Лара ҳам улар билан эди.

Ишбилармон яқин кунларда экран юлдузининг эри бўлиши тахмин қилина бошлади, чунки актрисанинг номсиз бармоғида қимматбаҳо тошли узук пайдо бўлганди. Лекин номальум сабабларга кўра, ишқий муносабатлар якун топди.

АЙНИ ПАЙТДА

Меръем Германия ва Туркиянинг кинематографига ҳаётида иштирок этади. Мунтазам равишда Берлин кинофестивалининг меҳмони бўлиб, Истанбулдаги ижтимоий тадбирларда иштирок этади.

“Муҳташам юз йил” юлдузи “Берлинария – 2019” фестивалида ўзининг янги ошиғи Голливуд билан яқиндан ҳамкорлик қилувчи араб продюсери Муҳаммад Ал Туркийни оммага таништирди.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА
таёёрлади
oilavajamiat@mail.ru



бир поғона тепага кўтарилишга қарор қилди ва Берлинга кўчди. Дастлаб у театр саҳнасида ва кинода бирдек роллар ижро этди.


Бир қатор немис фильмларида эпизод роллари мавжуд. “Энди балет” деб номланган уруш ҳақидаги фильмда иккинчи даражали ролни ўйнади. “Қайтилмайдиган саёҳат” фильми унга сезиларли муваффақият келтирди. Фильмда Узерли махсус агент ролини ажойиб тарзда ижро этди. Ушбу роли учун “Олтин апельсин” халқаро кинофестивалининг махсус мукофоти билан тақдирланди.

Шундан сўнг Узерлининг актрисалик фаолиятида узок вақт узилиш юз берди. Ундан чиқиб кетишида дугонасининг кўнгириги асқотди. Дугонаси Меръемга

Туркияда у бош ролни ижро этиши мумкин бўлган йирик лойиҳа амалга оширилаётганлиги ҳақида хабар берди. Ўша пайтда актриса Германияда ҳеч қандай кино лойиҳасида иштирок этмаётган эди, шунинг учун Меръемнинг Туркияга йўл олишига бир кун етарли бўлди.

“МУҲТАШАМ ЮЗ ЙИЛ”

Турк тилини билмаслиги Меръемга кастингдан ўтишида ва “Муҳташам юз йил” сериалида бош ролни эгаллашида халақит бермади. Ушбу фильм Усмонли империясининг Султон Сулаймон томонидан бошқарилган даврини ёритди. Узерли Крим татарлари томонидан ўғирлаб кетилган асир Александр ролини ижро этиши керак эди. Шу сабабли, тилни билмаслик ва нотўғри талаффуз мамнуният билан қабул



BURUN ADENOIDI

PARISHONXOTIRLIK

SABABCHISI

“Фарзандим яқинда 6 ойлик бўлди. Қанча парвариш қилмайин, қулоқларида сариқ чирк йиғилиб қолаверади. Доим пахтали таёқча билан тозалаб тураман, аммо охириги марта тозаланимда таёқча чуқурроқ кириб кетдим, шундан буён қулоқчасини кўрсатиб йиғлайди. Сариқ чирклар нима сабабдан кўп бўлади ва қулоқни чуқур тозалаш бирор хасталикка сабаб бўлмайми?”

– Қулоқ чирки касаллик белгиси эмас. Лекин баъзи инсонларда қулоқ чирки кўп миқдорда ишлаб чиқилади. Қулоқни кўп кавлаш индивидуал хусусият бўлиши мумкин.

Аксариyat оналар фарзандларининг уларнинг тирноқларини тез-тез ювиб, уларни чўмилтиради. Табиийки, чўмилтиргандан кейин уларнинг тирноқларини олиб, қулоқчаларини тозалаб қўйишади. Бироқ оналар қулоқ тозалашда жуда эҳтиёт бўлишлари керак. Қулоқни бир марталик уч қисмига пахта ўралган махсус гигиеник қулоқ тозалагич чўпларда тозалаш лозим. Кичик ёшдаги фарзанднинг қулоқларини тозалаш вақтида ортиқча ҳаракат қилмаслик, оҳисталик билан иш кўриш керак. Кўпинча катталар боланинг қулоғини тозалайман деб, қулоқ ичиди йиғилган кирни яна ҳам ичкарига киритиб юборишади. Натихадда, қулоқ чирки қулоқ ичидидаги ногора пардага тегади

ва боланинг қулоғи оғришни бошлайди. Сўнги марта қулоқ тозаламоқчи бўлганингизда ташки эшитув йўлининг териси бироз шикастланган бўлса керак. Бу албатта, оғриқ билан кечади.

“Ёшим 20 да. Ёз пайтлари тез-тез сув ҳавзаларида чўмилиб тураман. Охириги марта қулоғимга сув кириб, шамоллаб қолдим. Шундан сўнг қулоғимда йи-

рингли жараён натижасидир. Касалликнинг келиб чиқишига маҳаллий ва умумий омиллар сабаб бўлиши мумкин. Булар: касалликнинг ўткир даврида даволанмаслик; бурун бўшлиғи касалликлари; иммун тизимининг пасайиши; аллергия; гигиенага риоя қилмаслик.

Қулоқдан сурункали йиринг оқиши эшитишнинг заифлашуви, мия ичи йирингли асоратларига, юз нерви фалажлиги

эшитиш қобилияти пасайишига сабаб бўлиб қолаёти.

“Фарзандли бўлганимдан сўнг бошим қаттиқ оғрийдиган бўлиб қолди. Шифокорга мурожаат қилганимда пешона қисмининг рентген қилдиришимни айтди. Таҳлил натижалари фронтит билан оғриганимни кўрсатди. Бу орада бир-икки марта бурун бўшлиғимни ювдирдим ва ўзимни бироз яхши ҳис қилдим. Аммо вақт ўтиши билан бу оғриқлар яна қайталаняпти. Бу қандай касалликнинг аломатлари бўлиши мумкин?”

Х.Аҳмедова

– Сиз таърифлаган ва рентгенограммадаги белгилар “фронтит” касаллигининг белгиларидир. Фронтит – пешона бўшлиғи шиллик пардасининг яллиғланиши ҳисобланади. Бунда хид билишнинг пасайиши, қошлар тепасидаги кузатиладиган оғриқлар чакка ва ён томонларга тарқалиши билан тафсифланади. Фронтит касал-

«қуруқ ютинганда» оғриқ пайдо бўлади. Касалликнинг олди олинмаса, сурункали шаклга ўтиши мумкин. Касаллик сабабини аниқлаб, даволаш керак.

“Болалигимдан буён пастга ва тепага қарасан бошим қаттиқ оғрийдим. Айниқса, пастга эгилиб ба- жариладиган ишлардан жуда чўчийман. Масалан, полларни артаётганимда, кўча су- пураётганимда кўнглим ай- нийди. Гайморитим борлиги учун шундай бўлса керак деб ўйлайман. Гайморити бор беморларда қандай ноқулай ва ёқимсиз ҳолатлар юзга келади?”

Ш.Маҳмудов

– Бош эгилгандаги ўзгаришлар мия ичи, бурун атрофи бўшлиқларидаги касаллик белгиси бўлиши мумкин.

Бошни МРТ ёки МСКТ ёр- дамида текшириб, аниқ ташхис қўйиш мумкин. Гайморитга келсак, бунда беморнинг бурни битади, йиринг оқади ва юзга

Авалло бурундан нафас олиш бузилади, бола оғиздан нафас ола бошлайди. Бемор бўшашган ва паришонхотир бўлиб қолади. Аденоид туфайли организмда кислород етишмаслиги рўй беради.

рингга ўхшаш шилимшиқ модда пайдо бўлди. Даво- ланишни кечга суравергач, қулоғимдан йиринг оқадиган бўлиб қолди. Айтнинг-чи, қулоқдан нима сабабдан йиринг оқади ва бунинг оқибатлари қандай?”

Н.Саидов

– Қулоқдан доимий ёки тез-тез йиринг оқиши ногора парда тешилишидан дарак беради. Бундай ҳолат шамоллаш, бурун битиши ва оқишига сабаб бўлади. Қулоқ оғриши ва йи-ринг оқиши ўрта қулоқ бўшлиғи ва сўргичсимон ўсимта каттачаларининг яллиғланиши ҳамда қулоқ пардаси емирилиши билан кечадиган йи-

лигини махсус профилактикаси ҳозирги кунда мавжуд эмас, касалликнинг олдини олиш учун ринит, синусит ва нафас йўлларининг бошқа касалликлари, ОРВИ, туғма нуқсонларни бартараф этиш, организм иммун тизимини рағбатлантириш ва юз-пешона соҳаларини турли хил жароҳатлардан ҳимоя қилиш керак бўлади.

“14 ёшимда ангинамни жарроҳлик йўли билан олдириб ташлагандик. Шундан буён доим томоғимда балғам йиғилади. Ҳар қанча чиқаришга уринмайин, унда- далай олмайман. Балғамлар ҳаттоки нафас олишимга ҳам халақит беради. Улардан қутулишнинг қандай чоралари бор?”

– Сизда ҳалқум шиллик пар-

оғриқ бўлади. Ҳар қандай касалликни даволагандан кўра олдини олиш афзалроқ. Касал- ликнинг олдини олиш учун ўз вақтида стоматолог кўригидан ўтиб туриш, совуқ ҳавода кўп юрмаслик, совуқда бош кийим- сиз кўчага чиқмаслик, шамол- лаш ва гриппни ўз вақтида да- волаш тавсия этилади. Спорт билан ҳеч бўлмаганда кунга 10-20 дақиқа суғулланиш им- мунитетни мустаҳкамлаш учун фойдаланидир.

“Қизим 6 ёшга тўлмаган. Ухлаганида доим оғиздан на- фас олади. Бурни эса тиним- сиз битиб қолаверади. Ша- моллашлардан ҳоли бўлса ҳам, гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилсак ҳам бурнидаги шилликлардан қутулишимиз қийин бўляпти. Бу нимадан далолат? Нега доим бурнида чирк йиғилиб қолаверади?”

В.Шарипова

– Фарзандингиздаги бурун битиши аденоид тўқимаси катталаниши сабабли бўлиши мумкин. Бу касаллик 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда кўп учрайди.

Авалло, бурундан нафас олиш бузилади, бола оғиздан нафас ола бошлайди. Бемор бўшашган ва паришонхотир бўлиб қолади. Аденоид ту- файли организмда кислород етишмаслиги рўй беради ва бунда оқидидаги ҳолатлар ку- затилади: бош оғриги; умумий мадорсизлик; уйқусизлик; тез- тез чарчаш; баджаҳллик; эши- тиш қобилиятининг пасайиши; юқори жағ тишларнинг нотўғри ривожланиши.

Бу ташхисни эндоскоп ёр- дамида аниқлаш мумкин. Аде- ноид тўқимаси 2-3-даражада бўлса, жарроҳлик усулида олиб ташлаш тавсия этилади.

Саволларга олий тоу- фали отолоринголог, тиб- бий фанларини номзоди, доцент Азимжон Ашуров жавоб берди.

Лобар ҚАНДАҲОРОВА
суҳбатлашди.



ва сепсис касалликларига олиб келади. Ҳозирги тиббиёт қулоқдан йиринг оқишини батамом тузалиб кетишини кафолатлайди. Бунинг учун малакали шифокорга муро- жаат қилиш керак. Шифокор қулоқдан йиринг оқиши сабаб- ларини ташхислар ёрдамида аниқлаб, керакли дори во- ситаларини буюради. Қулоқ оғригига беътибор бўлмаслик керак. Бу оғриқлар сабаби бир нечта бўлиши мумкин. Агар фарзандингиз қулоғидан йиринг оқишига эътиборсиз бўлсангиз, қулоқ пардаси ва су- яклари емирилиши оқибатида


даси яллиғланиши кечмоқда. Бу касаллик фарингит деб ата- лади. Фарингит кечилишига қараб ўткир ва сурункали бўлади. Ўткир респиратор касаллик- лар, грипп ва бошқа (лар) ин- фекцион касалликлар шиллик пардасига бевосита таъсир этадиган омиллар: совуқ ҳавода гаплашиш, нафас олиш, жуда иссиқ ёки совуқ овқатлар истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар ичиш, чанг ҳаводан нафас олиш ҳам фарингитга сабаб бўлиши мум- кин. Ўткир фарингитда ҳалқум қуриб, тупук ютганда, айниқса,



BUZOQNING YUGURGANI SOMONXONAGACHA

Ҳадиси шарифларда:
"Муслмон биродарларини алдовчи, уларга зарар етказувчи ёки макр қилувчи одам бизлардан эмас", дейилгани кўпчилигимизга маълум. Бироқ, нафс аталмиш душман қутқусига учган Ҳасан Аҳмедов сингари кимсаларнинг орамизда учраб туриши афсусланарли ҳолдир.

Ҳ.Аҳмедов 2019 йил 2 февралда Мирзо Улугбек тумани Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган "Китоб олами" савдо дўконида А.Адамовнинг қаровсиз қолдирилган сумкасида баҳоси 405 АҚШ доллари (3.402.061 сўм)га тенг бўлган "Samsung Galaxi A9" русумли телефон аппаратини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Кейин Нексия автомашинасини тўхтатиб, такси ҳайдовчисига телефонни 800 000 сўмга сотиб юборган ва пулларни эҳтиёжларига сарфлаган. Савдо мажмуасига ўрнатилган кузатув камера-



ларидаги видеотасвирлар туфайли ўғри қўлга олинади. Судда Ҳ.Аҳмедов ўз айбига иқдор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, моддий аҳволини инобатга олиб енгиллик беришларини сўраб кўрсатма беради. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, Ҳ.Аҳмедовнинг бундан аввал ҳам Янгибод бозорига сотувчилик қилиб келаётган Д.Каримовга "Редми-4", "Редми-5" русумли телефонларни, "Samsung" русумли планшетни сотганлиги аниқланди. Суд Ҳ.Аҳмедовга

"Samsung Galaxi A9" русумли телефон аппаратини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Кейин Нексия автомашинасини тўхтатиб, такси ҳайдовчисига телефонни 800 000 сўмга сотиб юборган ва пулларни эҳтиёжларига сарфлаган.

жазо тайинлашда муқаддам судланиб, қасддан янги жиноят содир этганлигини, айбига иқдорлиги, пушаймонлиги, оилавий шароитининг оғирлигини инобатга олиб жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Суд ҳукмига кўра 2019-йилнинг 4-февралидан бошлаб Ҳ.Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг "а" бандида назарда тутилган жиноят содир этганликда айбланиб, унга 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси 8-қисмига асосан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2019-йил 1-апрелдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 5 йилу 7 ой озодликдан маҳрум этилди. Ҳ.Аҳмедовга жазони умумий тартибли колонияларда ўташ, жабрланувчига етказилган моддий зарар Ҳ.Аҳмедов томонидан қопланиши белгиланди.

Муҳаммад ҚАЮМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек туман суди раиси.

TADBIRKOR O'G'RI

Хитой полицияси бир қанча қишлоқлардан жўжа ўғирлаган тadbirkor Цяньни ҳибсга олди. Хуқуқ тартибот ҳимоячиларини ҳайратлантирган нарса 50 ёшли Цяньнинг камбағал оила жўжаларини нима мақсадда ўғирлагани эди. Цянь ўғирланган жўжаларни сотиб ўзининг 2 миллион юан (19 миллион рубль) га сотиб олган "BMW" русумли автомашинасига бензин қуйганини тан олди.

Полициячилар ўғрини жуда ҳам тез топганига қарамасдан Цяньдек бой одамнинг бу ишда қўли борлигига ишонилмади. Фирибгарни машиналар тирбандлигида турганида ушламоқчи бўлишди, аммо у полициячилардан қочишга улгурди. Уйига борганида эса уни полициячилар кутиб олишди. Менда бизнесим билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлган эди, деди ўғри миллионер, жўжаларни сотиб, зарарни қопламоқчи эдим.

Воқеа бутун Хитойни ҳайратга солди. Бойлар товуқ ўғирлайдиган, камбағаллар эса бор пулини бренд кўйлак сотиб олишга сарфлайдиган замонавий Хитойга хуш келибсиз!



Ajib dunyo

NOODATIY BALIQ OVI

Французларда ноодатий балиқ ови урф бўлган. Париж аҳолиси Сена қирғоғига чиқиб, завқ билан ов қилишади. Аммо ҳеч ким балиқ овламайди, одамлар эскирган буюмларни қидирув магнитлари ёрдамида сувдан чиқариб оладилар. Чунки Сена дарёси ичида оқиб келган ёки чўкиндига айланган ноёб буюмлар талайгина.

– Баъзида тарихий, жуда ноёб буюмларни ҳам "овлаймиз", – дейди "балиқчи" Бриан Лефевр. – Масалан, мен 1886 йилги Лебель куролини топиб олдим. Баъзан велосипед ва мотоциклга ўхшаган замонавий буюмлар ҳам чиқиб қолади.

Балиқ овлашга мўлжалланган ов куролларининг бозори чакқон. Жуда ҳам кўчли магнит сув тагидан 800 кг. гача бўлган оғирликдаги буюмларни тортиб чиқара олади. Нархи 100 евро атрофида.

– Бу қизиқиш ҳамма учун фойдали, – дейди ускуналар дўконининг эгаси. – Болалар экологияни тозалашга ҳисса қўшишади ва бўш вақтларини фойдали ишга сарфлашади. Кимлардир балиқ тутгани ҳақида мақтанса, бизнинг мижозларимиз "Мен музлаткич ёки велосипед топиб олдим", дея фахрланишади.
Мадина тайёрлади.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" асsoциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 736. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2631. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш ваъти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 12345